



«ТАСДИКЛАЙМАН»
«Наманган ХЭТК» АЖ
бош директор

Ж.Халилов

06 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5048 сонли қарорига асосан Наманган вилояти Чуст туманида ташкил этилаётган «Зарафшон» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриш учун қурувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1. Буюртмачи

«Наманган ХЭТК» АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акционерлик жамияти

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй

Бош директор:

Ж. Халилов

1.2. «Наманган ХЭТК» АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Наманган вилояти Чуст туманида ташкил этилаётган «Зарафшон» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриб бериш хизмати билан 11 620 299 740 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5048 сонли қарорига асосан Наманган вилояти Чуст туманида ташкил этилаётган «Зарафшон» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/10 кВли юқори кучланишли подстанция қуриш учун қурувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПК-5048 сонли қарорига асосан Наманган вилояти Чуст туманида ташкил этилаётган “Зарафшон” кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/10 кВли юқори қучланишли подстанция қуриб бериш хизмати билан барча қолган ҳаражатлари ўз ҳисобидан бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

| Хизмат тури | Хизмат сони |
|--|-------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПК-5048 сонли қарорига асосан Наманган вилояти Чуст туманида ташкил этилаётган "Зарафшон" кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун ХТ-110 кВ ва 110/10 кВли юкори кучланишли подстанция қуриш учун қурувчи қорхонани саралаш бўйича | Бюртмачи талаби асосида |